



- * Ўзбекистонда чирой очаётган яна бир гўша
- * Жалолиддин Румий қандай аёлни севган экан?
- * 12 ёшли спортчининг ўн нафар ўз шогирди бор
- * Талабадан пора олгани учун доцент қамалди



Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 26 Апрель Чоршанба.
№ 33 (14315)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини 25 май куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди (қарор матбуотда эълон қилинмоқда).

Олий Мажлис иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров раҳбарлигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мотиторинги институтининг 1999 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан институт директорининг ўринбосари М. Гасанов сўзга чиқди.

Мажлисида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилова ва бошқалар 1999 йилда институт фаолияти сезиларли даражада жонланганлигини таъкидлаб ўтдилар. Институтнинг 1998 йилги иши тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Кенгаш мажлисида кўрсатиб ўтилган кўпгина камчиликлар бартараф этилган. Институт ходимлари илмий-тадқиқот фаолиятини яхшилаш юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар, ҳуқуқнинг турли тармоқлари бўйича 20 дан зиёд илмий ишлар тайёрланди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишидаги институт иш-тироқи сезиларли даражада кучайди. Амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти ўрганиб борилди, уларга риоя этмаслик сабаблари аниқланди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга оид тақлифлар тайёрланди. Миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўлланиш амалиётининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Институтнинг фаолияти парламент қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди.

Институтнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кўламлари кенгайди. Хусусан, инсон ҳуқуқларини қонун йўли билан тартибга солишни ривожлантириш муаммоларига бағишлаб қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан биргаликда илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, мажлисида таъкидланганидек, институт фаолиятида муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Институт фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш, илмий ишланмаларни мувофиқлаштириш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида 1999 йилда ташкил этилган институт қошидаги илмий-маслаҳат кенгашининг иш самардорлигини ошириш зарур.

Олий Мажлис Кенгаши институт раҳбариятига Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари билан ҳамкорликда қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишида фан ютуқлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётидан фойдаланишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўришни, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига қонунлар ижро этилиши назоратини амалга оширишларида кўрсатилаётган услубий ёрдамлар самардорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришни топширди.

(Давоми 2-бетда)

Фарзандларимиз биздан афзалроқ, биздан ўткирроқ, биздан покроқ, савоб ишларни биздан ҳам кўпроқ қиладиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаш, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аجدодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратларимиз ва келажагимиз ана шундай. Бугун зўр умидлар билан қураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида ана шундай.

Ислом КАРИМОВ



“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи қурилиши ниҳоясига етиб қолди.

Сураткаш: А. ҲАМИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Депутатлар хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, халқаро нормаларнинг маълумотлар базасини шакллантириш борасидаги ишларни давом эттириш зарурлигини қайд этиб ўтдилар, бинобарин, бу маълумотлар базасидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари самарали фойдаланишлари мумкин бўлади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти И. А. Каримов томонидан илгари сурилган вази-фалардан келиб чиқиб, сиёсий ва иқтисодий турмушни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришга, жамиятни маънавий янгилашга қаратилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Кенгаши ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 2000 йил 25 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 апрел.

Олий Мажлис иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган 2000-2004 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида.

3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

4. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

5. «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

6. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

7. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

8. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).

9. «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

Болалигим Юнусобод туманининг Бўзсув мавзеида ўтган. Тепада Алвастикўприк, сал берида эса кўрқинчли жарликлар бўлар эди. 1937-38 йилларда гадейтопмас шу жойлардан кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турарди. Шунда ҳамма ёқни ваҳима босарди. Юрагимиз музлаб, «Хукуматнинг қазабига учрасанг,

РУҲЛАР ОРОМ ТОПГАН ДАРГОҲ

яширинча отиб ташлайди», деб ўйлардик. Бу қатлу қиргинлар озмунча давом этганми? Қанча одамларнинг ёстиғини қуритган. Ҳамма ёқни остин-устун қилиб ташлаган. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин ўша йиллар ваҳми шунчалик эканки, яқин-яқингача бу ҳақда биров чурқ этиб оғиз очмаган. Ўтган йили ёзда Президентимиз ўзлари келиб, мусибат уяси бўлган Бўзсув мавзеини келиб кўрдилар. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини бир-бир кўрсатиб бердилар. Шу кишининг шарофати билан ўша нотинч йилларда, кўрқинчли кечаларда жуда мўътабар, миллатпарвар инсонлар адолатсизлик туфайли

Халқнинг дуоси

нобуд қилинганлигини тушуниб етдик, уларнинг хоки туроби ётган жойларга бошқа бир кўз билан қарайдиган, авайлаб қадам қўядиган бўлдик. Қурилишга қўл уришдан аввал шаҳид-

лар ҳаққига қурбонлик қилдик. Илгари Бўзсувнинг бўйида эски чойхона бўларди, аввал у олинди. Қарийб йигирма хўжаликка янги уй-жой берилди. Мана, энди қарғиш теккандек бўлиб ётган жойлар шаҳидларнинг хотираси ҳурмати — азиз бўлмоқда.

Шаҳидларни эслашнинг ўзи хайрли, уларнинг хоки туробини зиёратгоҳга айлантириш эса тенгсиз савобдир. Тошкентдаги бекиёс ўзгаришлари мана шу қутли ишларга бош-қош бўлаётган Президентимизнинг ҳаққига ҳар қанча дуо қилсак кам.

Абдужаббор ИЛЁСОВ,
Ғ.Умаров номли
маҳалла оқсоқоли

ЖАДИДЛАР ХОТИРАСИ

Ниҳоят қарийб 130 йиллик мустамлакачилик давридан сўнг Ватанимиз озодлик байроғини баланд кўтарди. 8 йил муқаддам юртимиз тарихида янги давр, мустақиллик даври бошланди. Миллий мустақиллигимиз мустамлакачилик даврида қатағон этилган миллион-миллион аждодларимизнинг орзу-ю армонлари рўёбга чиқарди, халқимиз ўзининг миллий ўзлигини, йўқотилган қадриятларини тиклай бошлади.

Тарихимизга «Жадидчилик даври» номи билан кирган бу ҳаракат улкан ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлганлигини яхши биламиз.

Жадидларнинг илмий ва бадиий асарларининг ҳали тўлалигича, тўплаб нашр қилинган эмас. Лекин шунга қарамасдан бир қатор олимларимиз жадидлар фаолиятини ўрганиб чиқиб, халқ маънавий бисотиға қайтармоқдалар.

Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ва «Олтин мерос»

хайрия жамғармаларининг ташаббуси билан жадидчилик даврига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Анжуманни «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Муҳаммад Али кириш сўзи билан очди.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» жамғармасининг раиси профессор Н.Каримов сўзга чиқиб, жадидчиликнинг сиёсий-тарихий масалалари, намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди, уларнинг миллий маънавиятимиз тараққиётидаги хизматлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуманда иштирок этган мутахассислар жадидларнинг жаҳолат ва хурофот, манманлик, такаббурлик, иқтисодий инқироз, ноаҳиллик каби миллат тараққиёти йўлида ғов бўлиб турган ҳар қандай иллатларнинг илдизига болта уриб, ўзларининг умуммиллий ғояларини халқ онгига

сингдириш йўлидаги кўплаб саъй-ҳаракатлари ва миллат ёшларини ўз миллий қобилига ўралиб қолмасдан, дунёнинг бошқа халқларининг тили, тарихи, маданияти ва ютуқларини ҳам ўрганишга даъват этганлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Дунёни тараққиётга олиб чиққан XX аср бошларидаги жадидчилик ҳаракатининг ғоялари мустамлакачилик исканжасида қолган халқларни эркинликка, озодликка ва маърифатга чорлаган. Шу фикрдан келиб чиқиб давра суҳбати иштирокчилари масалани янада кенгроқ ўрганиш мақсадида бошқа мамлакатлар билан халқаро муносабатларни йўлга қўйиш, Германия, Америка, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатлар билан халқаро анжуманлар, илмий экспедициялар ташкил этиш зарурлиги ҳақида бир қатор таклифлар киритдилар.

Нилуфар МИРСАЙДОВА,
«Шаҳидлар хотираси»
хайрия жамғармаси
етакчи мутахассиси

БМТ ВИКТОРИНАСИ

Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси /Женева/ ва «Интерпробизнес» корпорацияси умумтаълим мактабларининг ўрта ва юқори синф ўқувчилари учун ўтказган «БМТ билан ғалаба қилинг» викторинаси якунланди.

Викторина Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказилди. Унда 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган уч минг нафар ўқувчи иштирок этди.

Мусобақа икки босқичда, шу йилнинг феврал ойидан апрел ойигача бўлиб ўтди. Биринчи босқич доирасида саволлар жамланган буклетлар тарқатилди. Уларга жами 186 иштирокчи тўғри жавоб бериб, финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистон Бухгалтерлари ва аудиторлари уюшмаси викторинада мустақил эксперт сифатида иштирок этди.

«БМТ билан ютинг» викторинасининг финали ғолибларига мукофотлар берилди. Бош

соврин - Женевага йўлланмани Тимур Чебанов қўлга киритди. Иккинчи мукофот - компьютер - Индира Иралиевага, учинчи мукофот - телефон-факс аппарати Анна Емельяновага насиб этди.

Викторинанинг бошқа иштирокчилари ҳам эътибордан четда қолмади. 186 иштирокчининг ҳаммасига БМТ Бош қотиби Кофи Аннан имзолаган махсус дипломлар, шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси, ЮНИСЕФ ва «Интерпробизнес»нинг мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғолибларни тақдирлаш учун БМТ Бош қотибининг ўринбосари, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Ижрочи қотиби Ив Бертелло Тошкентга ташриф буюрди. У викторина иштирокчиларини табриклаб, бундан буён ҳам ўзбекистонлик ўқувчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятини ўрганиб бораверишига ишонч билдирди.

(ЎЗА)



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 26 Апрель № 16 (73)

СОҒЛОМ ФАРЗАНД ОНАСИ БЎЛАЙ

Бу йил яхши ниятлар билан Юрт-бошимиз томонидан 2000 — йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинди. Боласини соғлом, бақувват бўлиб ўсишини қай бир ота-она хоҳламайди, дейсиз?

Мен ҳали турмуш қурмаганман. Лекин орзуларим бир олам. Оилавий шароитимиз, тўғриси қишлоқчилик боис шаҳарга бориб ўқий ол-

мадим. Ота-онам ҳам далада ишлаган, мен ҳам. Эрга тегсамда ўзимга ўхшаган қишлоғлик бир йигитга тегаман. Сизнингча бунинг айби йўқдир, аммо ҳозир балоғат остонасида туриб ўзимдан кўра бўлажак болаларим тақдирини ўйлаяпман.

Боиси қишлоғимизда яшаш учун шароит етарли эмас. Газимиз бўлиб ўчоқда овқат пиширамиз, светимиз бўлиб чироқсиз ўтирамыз.

Кулгилида. Биз томондаги раҳбарлар "иқтисод" қилишнинг айна шундай йўлини топишган. Чимилдик бизга ёрдам бер. Юртимиз, халқимиз учун муносиб фарзанд билан бирга, ота-она бўлайлик.

Салом билан,

**Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани,
"Ўзбекистон" жамоа
хўжалигидан Н**

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир деҳқоннинг яккаю-ёлғиз қизи бўлган экан. У ёлғиз қиз бўлишига қарамай ниҳоятда гўзал, -оқила, ўз

айтиб, қатъиян рад жавобини берибди. Қизнинг отаси бу ҳолдан ташвишга тушибди...

Эртаси куни деҳқоннинг уйига чўпоннинг ўғлидан совчилар келибди. Шунда қиз совчиларга "розилик" жавобини берибди. Тўй бош-

ланибди. Урф-одатларига

ТОШТА АЙЛАНГАН КЕЛИН-КУЁВ

мо-насининг

доно қизларидан эди.

Кунлар ўтиб қиз вояга етибди.

Унинг юрагини муҳаббат ошно этиб, бино-

ан, кайвонилар келин-куёвни чимилдикқа киргизишибдилар. Бундан хабар топган шахзода, қизни олиб қочиш учун лашкар жўнатибди. Отларнинг дупурини эшитган қиз зор-зор йиғлаб! "Эй Худоё ожизангни бировлар қўлида шарманда қилгандан кўра, уни тошга айлантириб қўй. Тошга айланиб қолай!", дея илтижо қилибди. Шунда еруқ ларзага келиб, чимилдик ичида келин-куёв тошга ай-



"севги" деган мунис туйғуни ҳада этибди, яъни ўзи тенги чўпоннинг ўғли билан севишибди. Кунларнинг бирида қиз сув олиб келиш учун йўлга чиққанида, шох ўғли рўбару келиб қолибди. Шахзода қизнинг гўзаллигини кўриб, ўта мафтун бўлиб қолибди ва деҳқонниқига совчи юборибди. Бунинг эшитган қиз, шахзодага турмушга чиқмаслигини

ланиб қолибди.

Чимилдик шаклини эслатувчи ушбу манзара "Чимилдик тош" деб ном олган. Чироқчи тумани "Оқчо-во" жамоа хўжалигидаги ушбу зиёратгоҳ ҳамон кишилар эътиборида. Севишганлар ушбу жойни "Ошиқлар сайлгоҳи" деб атайдилар.

**Саид РАХМОНОВ,
талаба**

КЎНГЛИМА КЎНГЛИМ...

ратиб беролмади-ку?!

Севгим! Мен сени бугун улоқтирдим, аммо сен кўчада қолмадинг, яна кимнидир қувонтирдим.

Кимни... менинг душманларимни. Кимни... сени бойлигинг учун мендан ортиқ севганларингни. Кўрқма, улар сени улоқтиришмайди, сен "уларга-да" кераксан!

Севгим — кечагина кўзларингда ёш эди. Бугун — бугун ёнингдаги "янги" бахтдан кўзларинг порлаб турибди. Демак, кўз ёш — ёлғон, ёлғон, бари-

си ёлғон!

"Сен" дилимга биринчи кўришдаёқ сеҳрли кўзларингдан муҳаббат уруғини ташладим, холос. Мен уни меҳрим билан, чексиз севгим билан кўкартирдим, яширин. Гулинг айни

яшнаган чоғида унга қаҳрли сўзларингдан тош ясаб олдинг, синдиридинг. Шунда ҳам уни дилимдан юлиб ташламадим. Чунки гул билан бирга сенинг номинг муҳрланган эди. Аммо сен мендан шунини талаб қилдинг, сендан буни-сира кутмагандим, лекин мен ўзимни мағрур кўрсатиб, уни қўлларим-ла кўз олдингда юлиб ташладим, мен мағрурман, мен мағрур қизман! Бироқ мен шу мағрурлигим билан дилимни мажруҳ қилдим.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

МЕНГА ИШОНИНГ, ОДАМЛАР

Пешонам шўр эканми ёки аччиқ қисматим мени "севган" йигит бошимга кўп кулфатларни солди. Б. билан қариндош бўлсам-да, бир-биримизни унча яхши билмасдик. Опамнинг тўйида у билан гаплашиб, яқиндан танишгандик. Ака-сингиллигимиз самимий эди. Бироқ у томондан бизниқига совчиларнинг келиши мен учун қутилмаган ҳол эди. Ахир мен Б.ни севмайман-ку. У билан учрашганимда унга розилик бермадим. Б.нинг: Агар менга тегмасанг устингдан тўхматлар ёғдираман, деган гапини шунчаки кўрқитиш деб билибман. Орадан ойлар ўтиб, ўзим севган Н. исмли йигитга унаштирилдим. У билан бахтли оила қуришни жон-дилимдан истардим. Тўйимизга уч кун қолганда, куёв тараф тўйни қайтариб беришимизни

сўрашди. Улар бир оғиз сўз билан мени "номуссиз" қизга чиқаришди. Маҳалладагилар Б.нинг гапига кириб мени бузуқликда айбладилар. Шу дамда мени ҳимоя қиладиган одам топилмади. Фақатгина дўстларимга суяниб қолгандим. Уларнинг ҳам қўлидан менинг бахтимни қайтариб бериш келмасди шу дамда. Агар отам бизни ташлаб кетмаганида, шунчалик хўрланмасмидим...

Қаерга борма, етимнинг оғзи қонга тўлади, деганларидек бугун қишлоқдошларим мени ёмон қизга чиқариб қўйишди. Севган йигитим Н. ҳам олди-қочди гапларга лаққа тушиб ишонди.

Бошимни қай тошга урай? Менга қандай маслаҳат берасизлар?

**НИЛУФАР,
Наманган вилояти**

Ёшлар нумани кўряпти?

Кўпинча техника асрида яшаётганимиздан фахрланамиз. Ҳамманинг уйида телевизор-видео. Хоҳлаган фильмнинг кунора ТВнинг барча каналдан кўрсатишади. Бу жуда яхши. Лекин ўша чет элнинг ур-сур кинолари биз ўзбек ёшларига нималар берапти? Тўғриси ўрганаётганимиз бировни қандай ўлдиришу, қандай ҳаминини ўғирлаш, нари борса оила эркакнинг бошини қандай айлантириш бўляпти. Наҳотки дунё экранларида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кинолар, телесериаллар яратилмаётган бўлса?

Баъзида ота-онамиз билан бир даврада ўтириб телевизор кўришга уяламиз. Ўша фильмларни ўзбекчага ўғирганлар унинг қандай филм эканлиги ҳақида маълумотга эга. Авваллари эшитишимча, кинотеатрларда шундай кинолар қўйилса балоғат ёшига етма-

ганлар залга киритилмаскан.

Нима бўлганда ҳам катталар ёшлар ҳамма балони билади, деган



ақидадан воз кечишса бўларди. Шунда тарбиясизлар жамиятимизда камаярмиди?

**Садоқат ЖАЛОЛОВА,
Наманган вилояти,
Нанай қишлоғи**

МЕН
ВА У

Соҳибжамол ТУРДАЛИЕВА: РАШКИ ЙЎҚ ЙИГИТРАН АСРАСИН, ХУДО

Унинг юрагида фақат санъатга бўлган меҳр-муҳаббат ётарди. Шунданми, санъат сахнасига дадил ва шижоат билан кириб келди. Санъат олийгоҳини тугатгач, Республика Сатира ва юмор театрида 10 йилдан ортиқ ишлаган Соҳибжамол Турдалиева бир қатор ранг-баранг роллари қаторида "Темир хотин"-даги Аломот образини яратганида барчани ўзига мафтун этганди. Актрисамиз айни пайтда республика радиосида суҳандон бўлиб ишлаш билан бирга "Кулгу терапия", "Оталар сўзи, ақлининг кўзи" кўрсатувларида қатор ролларни ижро этмоқда.

Сўнгги маълумот: мухлислари топа олган "Кусто командасининг сув остидаги саргузаштлари" фильмида ҳам у 117 сериядаги Кусто қаҳрамонларига овоз бериб, томошабинлар ҳукмига ҳавола қилди.

— **Севги сизнингча нима?**

— Севги тўғрисида узоқ ва кўп гапириш мумкин. Севги — илоҳий, икки ёш қалбнинг бир-бирига ипсиз боғловчи туйғу. У одамлар қалбида муҳаббатга, гўзалликка бўлган иштиёқ билан мангу яшайверади.

— **Ўзингизни шундай севгига дуч келганларданман, деб ҳисоблайсизми?**

— Албатта. Чунки турмуш ўртоғим ҳалигача: "сени севаман" деб

айтмаган бўлсаларда, мени севишини кўзларидан, ғамхўрликларидан биламан.

— **Турмуш ўртоғингиз Фарғонадан.**

Сиз эса буюхорликсиз. Қандай танишгансизлар?

— Давлат акани учратмасимдан олдин ўзимга ўзим ҳеч қачон турмушга чиқмаймаман, ўзимни санъатга бағишлайман деб сўз бергандим. Ана шу ниятда Маннон Уйғур номидаги Санъат институтига хужжатларимни топширдим. Аудиторияда ўқитишча абитуриент. Ёнимда Давлат ака ўтирибди. Адабиётдан имтиҳон топширяпмиз. Кўйлагим енгидан шпаргалка олиб ишлаётганимни кўриб, кулиб қўйдилар. Жаҳлим чиққанидан қизариб, уятдан ерга қирай деганман. Ўқишга кирдик. Улар гуруҳимиз бошлиғи эди.



Оилада кимнинг севгиси устун бўлиши керак?

— Эр-хотин иккаласининг ҳам. Айтишадик, қарсак икки қўлдан чиқади, деб.

— **Илк севги изҳор қилган йигитни эслай оласизми?**

— 8-синфда ўқиб юрган пайтларимда, менадан кейинги

партада Зариф деган синфдошим ўтирарди. У дугонамга: "Соҳибжамолнинг кўзлари чиройли. Мен уни яхши кўраман", деб айтган. Уни ўзидан шу гапларни эшитишни жуда хоҳлаганман. Ўзимга ҳеч айтолмаган. Биргина "севдим" деган сўзни айтиш нақадар қийинлигини энди-энди билипман.

— **Сиз санъат соҳасидасиз. Баъзида уйга кеч келишлар ёки сахнада партнёрингиз эркак киши бўлиши мумкин. Турмуш ўртоғингиз рашк қилмайдими?**

— Қилганда қандоқ. Уйда жанжал бўлиб кетади. Бироқ, хайриятки ўзлари ҳам санъатни тушунадилар. Рашк қилганлари ўзимга ёқади.

Ўзим ҳам жуда рашкчиман. Автобусларда, кўчаларда чиройли қизларга қарасалар ичим ёниб кетади.

— **Севимли бўлиш осонми?**

— Ҳам осон, ҳам қийин. Аёл оилада айёрроқ бўлиши керак. Бу деганим алдоқчи эмас. Эркак киши ундан ҳеч камчилик топа олмасин. Ундаги фазилатларни бошқалардан кўрмасин. Ақлли, фаросатли аёл севимли бўлиши мумкин.

ЗИЁДА суҳбатлашди



— Дадам акангизга олча шарбати бериб юбордилар, илоё шифо бўлсин.

Жалолиддин орқасига ўғирлиди. Қаршида Шарофуддин Лолонинг қизи қўлидаги кўзачани чўзиб турарди. Қанчалар ўсиб, ўзгарибди бу қизалоқ. Лекин юзлари ҳамон ой кулчадек. Яноқларидаги кулгичлари ҳам ўша-ўша. Жалолиддин қиз қўлидан кўзачани олишни ҳам унутмаган эди. Қиз яна бир бор чарақлаб боқ-

Санамларга асиру бандалар мен кўп замон ошиқ, Чўмиб ишқ уйқусига сарбасар мен кўп замон ошиқ.

Жалолиддин учун севги бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч эди. Дон ҳам, майса ҳам, жонивор ҳам сева олади. Лекин фақат инсонгина ҳам жисми, ҳам ақли-идроки, ҳам хаёли, ҳам хотираси ила севишга қодирдир.

Мутлаққа интилган Жалолиддин учун олий ишқ ҳақиқат ишқи эди. Лекин у инсонни сўфийларга ўхшаб бичиб қўймас жис-

учун ҳақиқий ишқ йўлидаги босқичлар эди. У севгини қўшга қиёс этарди. Лекин ўз-ўзига бино қўйиш, худпарастликни сўқирлик, кўзи ожизлик бўлиб қолиш деб ҳисобларди. Румий аёлга нисбатан бўлган муҳаббатни олқишларди. Зеро, инсон ўзига ўхшаган инсонга муҳаббат қўйиш билан ўз моҳиятини умуман инсонлик моҳиятини англаб етади.

Ўн етти ёшида Гавҳарга бўлган муҳаббати Жалолиддиннинг руҳий соқовликдан қутқариб, юрак тилида унга илк сўзларни ўргатди. Гавҳарбонуга муҳаббат

боғлаган эди. Улар Макка шаҳрини зиёрат қилишиб, сўнгра яна йўлга чиқиб, ниҳоят тунлари юлдузлар тўла осмон гўзал Ларенде шаҳрида кўним топадилар. Сафар машаққатларидан тинка-мадори қуриган Жалолиддиннинг кўнгли хотиржам эди. Чунки улар билан қарвонда Гавҳарбону, яъни Шарофуддин Лоло оиласи ҳам бирга эди. Ларендедаги дарвешона ҳаёти Жалолиддин қалбида ўчмас лаҳзалар ила муҳрланди. Дастлаб у шарият аҳкомларига биноан Га-

катли доволару, пушаймонларнинг жаҳаннамий тубсиз ўпқонларини унинг назаридан яширган эди.

Тириклик ибдито айлаб бўлурди шу жаҳон пайдо Азизлар ошиқ эрдим, он қадар мен кўп замон ошиқ. Кам эмас етти минг йил сувратимга бўлдилар машғул,

Етишди борлигимдин бир самар мен кўп замон ошиқ.

Дарҳақиқат, Румий муҳаббатни олқишларди. Зеро, инсонга бўлган илоҳий муҳаббат яна бир қарра ўзликни, ўз моҳиятини англамоқ қабидир. Мислсиз Гавҳари вафотидан сўнг, Румий "Котибул асрор"-ларини чорлаб муҳаббат қўши шарафига умр китобни тугатмоққа киришди. Худди ана шу йиллардан Жалолиддин дунёнинг энг машхур, энг суюкли сўфий воизларидан бирига айланганди. У дунё ҳақида билиш мумкин бўлган ҳамма нарсани билар, ақл ид-рокка муяссар бўлган ҳамма нарса унга ҳам муяссар эди. Румий том маънода зохидлик йўлини танлаган эди. У энди илоҳий ишқ замирида яшарди. Ва шу ишқ таъсирида ўзини машхур "Маснавий"ларини яратди.

Воҳ менга маширик надир, мағриб надир, Балки кўқларга учармен барибир.

Унда бўлмас эрса гар сендан нишон, Ҳеч эрур менга бу умри жовидон.

Соҳиб тоат эдим, зоҳид эдим,

Соҳиб минбар эдим, воиз эдим.

Амри дил бўлди қуюндай уйрилиб,

Қолдим охир сенга бир ошиқ бўлиб.

Акбархон МАГДИЕВ, исломшунос

РУМИЙ ГАВҲАРИ

дию, таъзим адо этиб, енгил қадамлар билан дарвоза томон юриб кетди. Жалолиддин дарвоза ёпилгандан кейин ўзига келди. Илк бор самарқандлик савдогарнинг қизи Гавҳарбонунини 12 ёшида кўрган эди. Бу ёшда гарчи у севги нималигини билмаса-да, лекин Гавҳарбонуга нисбатан қалбида аллақандай туйғу жўш урганди.

Гавҳарбону яна унга чарақлаб боқаётгандай, бу ном унинг хаёлини илми илоҳиётдан олиб қочар. Зеро, илоҳиётда ҳам нарсаларнинг асл моҳияти "гавҳар" деб аталарди. Дарҳақиқат, илоҳиётга интилувчан ёш Жалолиддин Румий илк бор Гавҳарбону тажассуидан Аллоҳга нисбатан илоҳий муҳаббат ҳиссини туйганди. Румий ва унинг шогирдлари ўзларини сўфийлар эмас, ошиқлар деб ҳам аташган. Уларга Аллоҳни таниш ва ўзликни англаш йўлида қарвонбоши мантиқ эмас, балки муҳаббат эди.



моний, заминий ёки унинг ўз ибораси билан айтганда, фаний муҳаббатга нафрат ила боқмас эди. Ҳар нечук севги инсонга, ерга, ватанга муҳаббат, унинг

Румий учун илоҳга муҳаббатнинг инсон қиёфасидаги ифодаси эди. Гўзалликда илоҳий ҳусни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш, тун қоронғусини ошиқона ғазалларга тўлдириб, чарх уриш, сўфийлар учун шунчаки само рақси эмас, балки ишқдан маст-аласт бўлиб олам билан қовушиш, қўшилиш маросими эди.

Жалолиддин оиласи тақдир тақозоси билан кўҳна Балх шаҳридан кўчиб кетишади. Богдод, Кунё, Нишопур, Кабир, Курдистон каби бошқа кўпгина шаҳарларда илму-урфон нурларини улашишади. Бу йўлда унинг отаси, яъни ўзини Аллоҳнинг ердаги ноиб деб санамаш Сўлтонул Уламо номи билан донг таратган Баҳроуддин Валад қаттиқ бел

вҳарбону билан никоҳдан ўтди. Хижрий 623 (Милодий 1226) йилда Гавҳарбону Жалолиддинга кўчқордек ўғил туғиб берди. Жалолиддин ўзининг Гавҳарга бўлган севгиси туфайли дунёга келган янги меҳмонни биринчи бор кўрганида у қизғин товланувчи коптоқдек бўлиб, кўкимтир чойшабда ётарди. У кўз ўнгида ёлғиз ўз Гавҳарини эмас, табиатнинг туганмас баракот рамзи бўлмиш Зухрони ҳам кўрарди. У қадимий сувратларда қандай чизилган бўлса, худди шундоқ эди. Эгниди тилларанг либос, кўлларида билакузуклар, оёқларида хилхол. Унинг кўлларида қадимий мусиқий асбоб қўбиз эмас, чақалоқ. Аёл уни создек тутиб, бутун оламнинг оҳангини таратмоқда эди.

Сирасини айтганда, Румий Ларендеда ишққа эргашиб илму-урфон сари илк қадамлар қўйган. Ўша кунлардагидек ҳеч қачон бахтиёр бўлмаганди. Дунё кўзларига янгидан очилган йўлни ёритиб, олдинда порлаган нур ҳало-

УЯТ
БУЛМАДИ

“Кўрмайин босдим тиконни, тортадирман жабрини, билсам эрди, босмас эрдим, тортмас эдим жабрини” деб ўтиришган бўлса керак, йигитчалар

КЎРМАЙИН? БОСДИМ!!! ТИКОНИИ?!

хозир. Жарнинг тепасида юрган одамнинг кўнглига истаса-истамаса ҳам кулаб тушишим мумкин деган ўй келади. Жиноятнинг оstonасида турганларнинг хаёлига, кўлга тушсам, нима бўлади, қандай жавоб бераман, деган

қоронғуда топади” деганларидек, қаршисидан йўлдошев Дилшод чиқиб қолади. Роса куюқ сўрашиб олишгандан сўнг оғайниларнинг фирт бекорчиликлари маълум бўлади. Қайга борсинлар экан? Нима билан шуғулланишсин? Биров тепаларида қатъий туриб олиб, раҳбарлик қилмаса, иш жойидагилар суриштирмаса, тергайдиган яқин-биродарлари бўлмаса... Йўқ-йўқ, уларнинг жуда қалин ошнолари бор, эди. Ана ўшани йўқлашди. У “ошна”нинг домига илинган банда борки

дан “хабар олиб”, битта молни шиппа босиб, тонг сахар билан мол бозорида сотиб, пулни ўртада арра қилиб, мазза қилмаймизми? - Мен қачон қарши бўлганман, биз гатоп-да! - оғзини таноби қочиб жавоб берди Дилшод.

Хуллас ўша тун Олтин водий давлат хўжалик уюшмаси, Чўлпон кўчасида истиқомат қилувчи Усмонкул Умаровнинг молини ўғри уриб кетди. Эрта тонгги 6.30 ларда малла хўкиз 72000 сўмга М.Эгамбердиев исмли кишига сотиб юборилди.

— Бир даста пул-а,

олиндилар. Ва табиийки, сидқидилдан узр ҳам сўрадилар...

Бизни эса масаланинг бошқа бир томони ўйлантиради: наҳотки, жиноят кўчасига кириш осон бўлса? Шундоқ кета туриб, келгани молини ўғирлаймиз, деб ўғирлаб кетаверса, кейин бетини сур қилиб узр сўраса? Баҳриддин Эргашев ва Дилшод Йўлдошевлар авваллари ҳам ўзларининг хатти-ҳаракатлари, бекор-безор юришлари, маст ҳолда кўча-кўйда кўринишлари билан маҳалладошлари, ёхуд қариндош-уруғ-

ЗОТИЛЖАМГА ҚАРШИ ЯНГИ МАЛҲАМ

Америка Кўшма Штатлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар бўйича бошқармаси тиб амалиётида янги антибиотикдан фойдаланишга расман рухсат берди. Тижоратчилар тилида “Зивокс” деб аталувчи линезолид препарати анъанавий антибиотикларга “нописанд” инфекцияларга қирон келтиради. “Зивокс” оксозолидинонлар синфига мансуб мутлақо янги антибиотикдир.

Анъанавий препаратларни тез-тез истеъмол қилиш оқибатида, улар кўпчилик бактерияларга нисбатан таъсир кучини йўқотади. Хасталикларни назорат қилиш ва профилактика марказлари маълумотларига кўра, ҳар йили 80 мингга яқин одам дори-дармонларга “ўрганган” инфекциялар хуружидан нобуд бўлаётир. Янги препаратни қўллаш зотилжам, тери ва юмшоқ тўқималар яллиғланиши, қон хасталиклариди, айниқса, самарали бўлмоқда.

Шифокорларнинг кузатишича, бу препарат беморда бош оғриғи, ташналик уйғотиши мумкин. Янги малҳам ҳадемай ўз рақобатдоши “Синерсид”дан анча арзон нарҳда сотувга чиқарилади.

“Туркистон-пресс”



ўй келмасмикан? Яратган олдида куни келиб дағдағ қалтиришлари-ку ўн ухлаб тушларига кирмас. Лекин “Уруғимиздан ўғри чиқди” деб боши ҳам қолган қариндош-биродарлари, яқинларининг кўзига қандай қарашар экан? Ё бунга ҳам кўникса бўлармикан?

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Эргашев Баҳриддин Арнасой туманининг Олтин водий давлат хўжалик уюшмасида истиқомат қилар, фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлар эди. Кўнглига оро бергиси келдими кунларнинг бирида йўли Арнасой туманининг қоқ марказида жойлашган дехқон бозорига тушди. “Кўр-кўрни

билса-билмаса, чоҳга кулаши, бор-будидан айрилиб, хор-зор бўлиши турган гап. Бундай ошнанинг номи — арок.

Б. Эргашев ва Д.Йўлдошевлар обдон арокбозлик қилганларидан сўнг вақтни

кўлингга сигмайди-я! - ҳамтовоклар ҳаром топган пулларини қўлтиқлаб ўпкаларини босолмай қолишди, ўша дақиқалар. Юқорида айтганимиздай, хомгина каллаларида орзулар парвоз этди:

қандай ўтказишни ўйлаб қолишди. Ҳайтовур бозор ёнидан бекорчилар учун чиқарилган “Бахтли воқеа” деган ўйин бор экан. Тунги 2-3 лардан ҳам ширакайф шериклар ўша ерда “бахтларини кутиб” ўтирадилар. Ярим тундан сўнг худди уйдан қувилган ит сингари кўча кезадилар. Уларни биров тергамасди, уларга биров “хой” демади. Дайдилик тўнини кийиб, ароқ макрига қолган жўражонларнинг хомгина каллаларига хунук бир фикр келди.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

— Жўражон, мўмайгина даромад қилишимиз мумкин, - деди Баҳриддин. - Қишлоқда нима кўп — мол кўп. Ҳозир ҳамма уйқуда. Бирортасининг молхонаси-

балки ўша пулга боплаб маишат қилишни, балки кийим олишни, яна алланималарнидир ҳавас қилишгандир... Аммо ҳаром тешиб чиқишини унутишгани табиий эди.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ ЁХУД “БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА”

Молини ўғирлатган жабрдийда Усмонкул Умаров вақтида ҳаракатга тушди. Биродарларини йиғиб, мол бозорига чопади. Қидирақидира маллагина молини ҳам, унинг “янги эгаси” М.Эгамбердиевни ҳам топади. Икковлон бирлашиб, ўғригина болаларнинг кетига ҳам тушишади. Хомхаёл сурган ишқибоз ўғрилар манзилларига етмай туриб, пулни исига тўймай туриб қўлга

ларининг эътиборини тортган бўлишлари керак-ку? Уларни биров тартибга чақирганмикин? Эр йигитсан, оила, бола-чақа ташвишини қил, дегувчилар топилмаганмикин? Мана энди, йигитчалар ҳам, уларнинг яқинлари ҳам кўзларини ердан узолмай қолишди. Ҳамма ўзини айбдор сезади.

Суд ишидан кўчирма:

Судланувчи Эргашев Баҳриддин ва Йўлдошев Дилшодлар спиртли ичимлик истеъмол қилиб уюшган ҳолда жиноий тил бириктириб берухсат бинога кириб, бировнинг молини ўғирланлар. Уларнинг талон-тарожликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисм “б” бандидаги жиноят содир қилинган.

Мазкур жиноий иш 2000 йил 2 март Арнасой тумани суд раиси С.Қўшбоқов раислигида суд мажлисида кўриб чиқилиб, ҳар иккала судланувчини мол-мулкнинг ярми давлат фойдасига мусодара қилиниб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

... Беш йил ҳам ўтар кетар. Аммо у жиноятчилар учун, уларнинг атрофида хангу-манг қолган кўниқўшни учун бу сабоқ бўлармикан? Бир умрга “ўтириб чиққан” деган тамға босилган Баҳриддин ва Дилшодларни эл-юрт кечирармикан? Ёки улар қайтгач молхоналарга жуфт-жуфт кулфлар осилармикан? Вақт — барининг ҳаками вақт...

Б.ЭРГАШЕВ,
Арнасой туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси;
Я.МЎМИНОВА,
“Туркистон” муҳбири

ХОХ
ИШОНГИЗ...

Мен Хоразм вилояти, Янгибозор туманида яшайман. Ҳозирда талабаман. Рўзномангизни ўзимга чин ўртоқ, маслаҳатгўй, сирдош дўст деб билман. Унинг ҳар бир саҳифаси, ўз ўқувчисининг маънавиятини бойитишда ёрдам бериши керак. Фарзандларим тарбияси рисоладагидек бўлиши учун аввало оилада ўз ўрнини тўғри тутишга, оила аъзоларини қаттиқ ҳурмат қилишга ҳаракат қилардим. Чунки оиланинг тинч-тотувлиги фарзандларнинг камолотини белгилайди. Ундан

Оила тинч-тотувлиги кўпинча ота-онанинг масъулиятига боғлиқ, дейишади. Шундаймикан?
Эндигина мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-куёвлар бахтли оилани қандай тасаввур қилишади? Қуйидаги саволларимизга энг мазмунли жавоб йўллаган мухлислар танловимизнинг ғолиби бўлиши мумкин.
1. Сиз ота бўлганингизда фарзандингизни қандай тарбия қилардингиз?
2. Болаларингиз сиздан ҳар жиҳатдан фарқланиши зарурми?
3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади, унда...
Жавобларингизни "Бахтли оила" танловига деб йўлланг.

БАХТЛИ ОИЛА

ради.
Келажақдаги орзуларимни, саволларга жавоб сифатида йўллаяпман.

1. Албатта она бўлиш ҳар бир қиз бола учун катта бахт. Агар менга ҳам келажақда мана шундай бахт насиб этса, ҳар қандай ҳолатда ҳам оила, фарзанд тарбияси биринчи ўринда туриши лозим. Ва ўзим ҳам шунга амал қилган ҳолда фарзандимнинг тарбияси билан қаттиқ шуғулланардим. Лекин биз фарзандларимизни тарбиялашдан олдин, ўзимиз яхши тарбияланган бўли-



кейин эса уларга қўлимдан келганича соғлом муҳит яратиб беришга, ҳар жиҳатдан соғлом бўлишига эътибор қаратаман. Шундагина улар ҳаётнинг барча синовларига тайёр, иродали инсон бўлиб вояга етади. Шу ўрин-

да болаларимнинг илм олишига ҳам катта эътибор берардим.

2. Айрим ҳолларда фарқланишини истардим. Уларни албатта ўзи истаган соҳа бўйича олийгоҳларда ўқитиб, шу мутахассисликлар бўйича ўз касбининг устаси бўлиб меҳнат қилиб жамиятга, ўзига фойда келтирадиган инсон бўлишини истардим.
3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади? Ундай вақтда айбни ўзимиздан қидиришимиз лозим. Балки уларни ортиқча эркалитиб юборгандирмиз, уларнинг қалб истақлари билан ўртоқлашмай уларни нотўғри тушунаётгандирмиз.
Нима бўлганда ҳам улар ҳали ёш, маслаҳатга муҳтож бўлишади. Биз уларни қойимасдан тушунтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Шунда ҳаммаси изига тушиб кетади, деб ўйлайман.

Ирода ЭРКАЕВА

УЧУҚ ВИРУСИ ФОЙДАЛИ

Генетик ишлов берилган оддий тошма-учуқ вируси саратон тўқималарига қирғин солар экан. Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган "Экспериментал биология-2000" анжуманида шу ҳақда хабар қилинди. Мутахассислар фикрича, учуқ вируси саратон тўқималарини ўлдирибгина қолмай, хавфли ўсимталар ривожининг ҳам олдини олади.

Олимлар саратон касалига қарши курашда узоқ изланишлардан сўнг оддий тошма-учуқ вирусини танлашди. Ген муҳандислиги услубида ҳар хил хусусиятларга эга бўлган вируслар тайёрланди.

Тадқиқотчиларнинг мақсади саратон тўқималарига кўпроқ қирғин келтирувчи, лекин саломатлик учун безарар вирус яратиш эди. Натижада "NV-1020" деб номланган хавфли тўқималарга қарши баёв вирус ҳосил қилинди.

Янги вирусни синаш мақсадида олимлар бир неча сиқонни жуда тез тарқалувчи ошқозон саратони тўқималари билан заҳарладилар. Сўнг улар танасига тошма-учуқ вируси киритилди. Текширишлар сўнггида вирус барча саратон тўқималарини йўқ қилгани маълум бўлди.

"Туркистон-пресс"

Қуйидаги оддийгина тест воситасида турмуш ўртоғингизга майхўрлик хасталиги хавф солаётирми ёки йўқми билиб олишингиз мумкин.

1. Кейинги вақтда турмуш ўртоғингизнинг қўли баъзан қалтираётими?
2. Уйқудан тургач, кўнгли беҳузур бўлаётгани ёки нафаси қисаётганидан шикоят қиладими?
3. Алкоголли ичимлик истеъмол этганидан сўнг қўлининг қалтираши ёки кўнгли айниши ўтиб кетадими?

9. Ичганидан сўнг хотираси сусаядими?
10. Бора-бора алкоголли ичимликларни соғлиғи кўтара олмай қолдими?
11. Кўп ичиб қаттиқ маст бўлганидан сўнг ўзини айбдор деб ҳисоблайдими?
12. Маълум муддат у умуман ичмасликка ҳаракат қиладими?

ЭР АСРАШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ



4. У кейинги пайтда жирраки бўлиб қолганми?
5. У кўп ичган вақтда кам овқат ейдими?
6. У кам уйқу ёки ваҳимали тушлар кўриб турадими?
7. Агарда у ичмай юрса ўзини асабий, ташвишли сезади?
8. У биринчи пиёла ичимликни ичгач, ичишдан ўзини тўхта-толмай қоладими?

моқчи бўладими?
14. Ичкиликка муккасидан кетгани учун ишхонасида унга танбех беришадими?
15. Ичганидан сўнг ишлаш қобилияти сусаядими?
16. У танҳо ичишни ёқтирадими?
17. Унинг танишлари, дўстлари ичиб туришадими?
18. Бир пиёла спиртли ичимлик ичганидан сўнг унинг ўзига ишончи ортадими?
19. Спиртли ичимликларни яшириб қўйиш одати борми?
20. Асабий вазиятларда ичиб турадими?
21. Унинг майхўрлиги оқибатида оилада молиявий қийинчиликлар бўлиб турадими?
22. Кайф ҳолда машина ҳайдагани учун унга жарима солишганми?

НАТИЖАЛАР:

Сиз 3, 7, 8 ва 14 саволларига "ҳа" деб жавоб берсангиз 4 балдан, бошқа саволларга берган ижобий жавоблар учун 1 балдан белгиланг.

Агарда натижага кўра 6 ва ундан зиёд балл жамғарган бўлсангиз оилангиз катта хавф остида турибди. Турмуш ўртоғингиз майхўрликка мубтало бўлаётир. Дарҳол уни қалтис йўлдан қайтариш чоратадбирини кўринг. Алкоголизмнинг соғлиққа зиёни ҳақидаги панду насихатлар қор қилмаса шифокорга муурожаат этинг.

ТАХТИРАВОНДАГИ КЕЛИН-КУЁВ

Озарбайжон халқида ҳамма ишни аввал совчилар, яъни йигитнинг элчилари бошлашади. Келин томондан розилик олингач, тўй куни белгиланади. Озарбайжон халқининг эски одатларига кўра йигит билан қиз тўйдан олдин учра-

боришади. Куёвнинг эғнида зар чопон, бошида салла бўлади. Келиннинг эғнида ҳарир кўйлак, юзи эса ҳарир рўмол билан беркитилади. Давра мусиқасиз ўтмайди. Келин билан куёв даврани бир айланишгач, келин юзи-



шишмаса ҳаёти яхши бўлади, деган ақида бор. Шу боисдан кўп оилалар бу нақлга амал қилишади.

Тўй, яъни никоҳ куни келин билан куёвни миллий анъаналарга содиқ қолган ҳолда кийинтиришиб тахтиравонга ўтқазишади. Ва икки ёшнинг энг яқин кишилари тахтиравонни кўтариб, никоҳ даврасига олиб

ни очади. Улар даврани айланиб рақсга туша бошлайди. Қизиқарлиси, улар одамлардан ҳеч тортинмай, узоқ вақт рақс тушишади. Бу рақс тушиш тўй тугагунга қадар давом этади. Тўй тугагач, келин билан куёвни яна тахтиравонга ўтқазиб кўтариб уйга олиб кирадилар.

Нилуфар ЖАББОРОВА

Қадрли ЗАҲРО Бону АХРОРОВА!

Сизни таваблук топан қўйингиз билан гик оракдан қўйлаймигиз!

Ҳақиқат ҳақиқатдан таваблук аритасин, тан-сизайлик, оилавий тоқувлик ҳақиқат ҳақиқатдан бўлсин, Ҳақиқатдан ҳақиқат келадиган, барга орзу қиладиган бахт эгаси бўлиб юринг.

Яқинларингиз

Ҳурматли УМИДА она! Сизни 26 апрел таваблук топан қўйингиз билан таваблуклайман. Сизга узоқ умр, сизга-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилайман. Жиддингиз:

Гулнора

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН"
ГАЗЕТАСИНING
ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

ЧИМИЛДИК

2000 йил 26 Апрель

Ўзбек ёшлари орасида шундай ноёб иқтидор соҳиблари ҳам борки, уларнинг бу хислатини бутун дунёга кўз-кўз қилса арзигулик. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида Бунёд Нафасов хонадонидида ҳам ана шундай истеъдод эгалари камол топаётир.

Бунёд ака вилоят ички ишлар бўлимида хизмат қилади. Шу билан бирга дзюдо бўйича бир неча карра вилоят биринчиликлари

шаётган ютуқлари ва келажак ҳаётидаги эзгу мақсадлари хусусида мулоқотда бўлди.

— **Отангиз дзюдочи ва кураш устаси. Лекин сизлар каратэчилар...**

— Каратэ — бу нафақат спорт, балки у санъат ҳамдир. Чунки у инсонни ақлан, жисмонан бақувват, зийрак қилиш билан бирга, руҳий етуклик сари етаклайди. Дастлаб, спортга бўлган мухаб-

ҳам доим спорт билан шуғулланасизми?

— Йилнинг олти ойини мусобақаларга ҳозирлик кўриш мақсадида пойтахтда ўтказаман. У ерда турмуш юмушлари овқат пишириш, кир ювиш, дазмоллаш ишларини ўзим қилишга мажбурман. Бўш вақтим бўлди дегунча, сеvimли шоирим Абдулла Ориповнинг шеърий тўпламлари қўлимда бўлади.

НУРХОН НАФАСОВНИНГ ЎН ШОГИРДЛИ ШОГИРДИ



батимга сабабчи отам. 3 ёшимданок мени спорт мажмуаларига ўзи билан олиб борар эди.

Ўзбек каратэ юлдузлари Нурхон Нафасов ва Хўжамкул Хўжамкуловларнинг деворга илинган суратларига ҳавас қилиб, каратэчи бўлдим. 1994 йилдан эътиборан Нурхон Нафасовга шогирд тушдим.

Бундан ташқари, Отабек Қосимов, Илхом Каримов, туркиялик Али Пайдар ва япониялик Икидо Маритошиларнинг ҳам менга меҳнати синган. Айни чоғда Худойкул Норкулов раҳбарлиги ва ҳомийлигида Қаршининг “Локомотив” жамоаси тарбиясида машғулотлар олиб борапман. Ҳозир ўзимнинг ҳам 10 нафардан зиёд иқтидорли шогирдларим бор.

— **Каратэ оламида кўлга киритган қайси муваффақиятингиз сиз учун унутилмас бўлиб қолмоқда?**

— Одатда, хориж мамлакатларида ўтадиган мусобақаларга албатта Ватанимиз байроғини ўзимга ҳамроҳ сифатида олиб юраман.

1997 йилги Англияда ўтказилган Жаҳон чемпионати ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Чемпионатда терма жамоамиз учун илк олтин медални тўхфа этганимда залдаги барча иштирокчилар, ҳатто негрлар ҳам жўр овозда “Ўзбекистон, Ўзбекистон” дея олқишлаганида чарчокданми, қувончданми кўз ёшларим қалқиди.

Халқимизнинг сеvimли хондаси Юлдуз Усмонова ўша кунлар гастрол-хизмат сафари билан Англияда экан. Юлдуз опа ҳам бизнинг қувончимизга шерик бўлганди. У мени табриклаб, яшавор ўзбегим, деб бошимни силаб қўйганди.

— **Бекзод бўш вақтингизда**

Уй соғинчи ўртаганда “Хотирот” номли шеъри дардкашим бўлади.

— **Уйдан кетганимга ўн йил бўлибди, ўн йил қишлоғимдан юрибман узок.**

— **Мен юрган йўлларда ўтлар унибди, кўмилиб бўлибди мен кезган сўкмок.**

— **Келажакдаги орзуларингиз қандай?**

— Орзуларим чексиз. Лекин бирдан-бир олий мақсадим Нурхон Нафасов, Азамат Қаландаров, Ақобир Қурбонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорьян каби спортимиз юлдузларидек, юртимиз довуғини дунёга дoston қилиш. Устозим Нурхон аканинг, қолаверса, бутун ўзбек халқининг ишончини оқлашдан иборат. Шунингдек, ҳозирданок, отам каби ҳуқуқшунос бўлиш учун астойдил бел боғлаганман.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, компьютер билими ва инглиз тилини чуқур ўзлаштириш учун ўқув курсларига қатнапман. Албатта ҳуқуқий-демократик давлат фуқаролик жамиятининг етук ҳуқуқшуноси, инсон ҳимоячиси сифатида ҳар томонлама мукамал билим эгаси бўлмоқ лозим.

Гулноза ҚУРБОНОВА
суҳбатлашди



БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАДЛАРИМИЗ

ЎЗБЕК ШИФОКОРИНИНГ ХАЛҚАРО МУКОФОТИ

Сан-Францискода 2000 йил учун Голдман мукофотини топишириш маросими бўлиб ўтди. Унинг ютуқ жамғармаси 750 минг долларга тенг. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ишига қўшган юксак ҳиссаси учун мазкур мукофотга сазовор бўлган 7 нафар лауреат орасида ўзбек шифокори, Қорақалпоғистондаги “Перзент” жамоа ташкилоти раҳбари Ўрол Отаниёзова ҳам бор.

Ушбу нуфузли халқаро мукофотга номзодлар жаҳоннинг 23 та экологик ташкилоти томонидан тақдим этилади. Мукофот соҳибларини аниқловчи ҳайъат вазифасини эса дунёнинг 50 мамлакати мутахассисларидан таркиб топган Яширин кенгаш бажаради.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ўрол Отаниёзова мукофот пули замонавий тиббиёт ускуналари ва технологияларини ха-

рид этиш учун сарфланаганини таъкидлади. Бу шубҳасиз Отаниёзова бошқараётган экологик ташкилотнинг илмий-амалий фаолиятини янада юқори даражага олиб чиқишга имкон беради.

Ҳамюртимизнинг халқаро мукофот билан тақдирланиши у раҳбарлигидаги “Перзент” жамоа ташкилотининг экология соҳасида олиб бораётган кенг қўламли ва самарали фаолиятининг халқаро миқёсдаги ёрқин эътирофидир. Бу ташкилот Орол бўйи аҳолисининг экологик билим савиясини оширишга доир маърифий экодастурини ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда экологик фожеа ҳудудида истиқомат қилувчи аёллар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида серғайрат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Б.МАМАЖОНОВ,
“Жаҳон” АА.
Нью-Йорк

Ҳамюртларимиз ғалабаси

Қирғизистон пойтахти - Бишкекда от спорти бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи якунланди. Бу мусобақада ҳамюртларимиз ғалаба қозонди.

Кескин курашлар натажасида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин қирғизистонлик спортчиларга, учинчи ўрин эса қозоғистонликларга насиб этди.

Шунингдек, шахсий ҳисобда ҳам юртдошимиз Файрат Назаров голиб чиқиб, “Миллатлар кубоги” соҳиби бўлди.

(ЎЗА)

УЛУГБЕК ТУЗАЛДИ

Марғилонлик 10 ёшли Улугбек Йўлдошев эҳтиётсизлик туфайли қаттиқ жароҳат олди. Чап қўли елка қисмидан узилиб тушди. Бола Фарғона вилояти шошилинч тиббий ёрдам марказига олиб келинганида аҳоли жуда оғир эди. Марказдаги шифокорлар оёққа турди. Боланинг

қон босимини кўтариш ва зудлик билан операцияга тайёрлаш даврида узилган қўл совутгичда сақлаб турилди. Етти соат давом этган микрожарроҳлик операцияси муваффақиятли тугалланди. Узилган қўл барча анатомик тузилишлари - артерия, вена, нерв томирлари, этлари бўйича уланди.

Бу вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг иш фаолиятидан бир мисол. Мазкур марказнинг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани, малакали шифокорларнинг жалб этилиши туфайли ана шундай мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

— Ўтган бир ой давомида марказимизда 621 нафар бемор даволанди, дейди марказ директори ўринбосари Н.Маҳмудов. - 306 нафар беморга стационар шароитда жарроҳлик ёрдами кўрсатилди. Буларнинг барчаси марказимизда жаҳон андозалари даражасида тиббий хизматнинг йўлга қўйилаётганлигидандир.

Р.КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири

БЎШ КЕЛМАНГ, СЕРЖАНТ!

Ёшлиқдан баркамол этиб тарбияланган фарзанд ота-онага олқиш ёғдиради. Доимо эътиборли бўлиб, зурриёдини яхши инсонлар орасига қўшган меҳрибон падарибузруквор, ҳамда мунис волидаи мухтарама учун кун келиб ана шундай олқиш ёғишдан афзал лаҳза бўлмаса керак. Каттакўргон шахрининг Ноқис номли маҳалласида истиқомат қилаётган Хусан ака ва Гули опаларга ана шундай бахтли онлар насиб қилди. Ватан олдидаги муқаддас йигитлик бурчини ўтаётган фарзандлари Алишербек ҳақида ҳарбий бўлинма кўмондони номидан битилган миннатдорчилик мактуби келди.

Гули ая қароғларида севинч ёшлари милтираб мактубни кўксига босди. Ўғиллари уларни бир лаҳзада самолар-

га кўтарди, қалбларини қувончга, дилларини ғурурга тўлдирди. Аскар волидаси мактубни қайта-қайта ўқийди:

“Мухтарам Хусан ота ва Гули ая. Фарзандингиз она Ўзбекистонимиз олдидаги муқаддас бурчини аъло даражада бажаряпти. Қобил фарзандингиз ибрат бўларли тарбияси, ахлоқ-одоби, ҳамда Умумҳарбий Низомлар талабларига, ҳарбий жамоанинг қонун-қоидаларига, қатъий тартиб интизомига сўзсиз итоат этиши, ботир ва тантилиги, жасурлиги, мардлиги, ташаббускорлиги билан барча қуролдошларига намуна бўлмоқда. Ана шундай чин аскар, фидойи фарзандни камолга етказганингиз боис Сиз азизларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билдирамыз. Биз сиздан миннатдоримиз?!

Алишербек Ниятов нафақат жанговар тайёргарликлар жараёнида, айнаи дамда тенгдошлари ўртасида намунали хулқи, меҳр-оқибатлилиги, ширинсухан ва чин инсоний хислатлари билан ҳам ўрнат. Бўлинмадаги ёш аскарларга ўз қобилият ва салоҳиятини имкон қадар ишга солиб, билим-тажрибасини ўргатиб келаятган офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси.

Сержант Алишербек Ниятов яқинда йигитлик бурчини ниҳоясига етказди. У туғишганлари, ошна-оғайнилари, ёрбиродалари, маҳалладошлари ва тенгдошлари бағрига мағрур кириб боради. Чунки у ўз олдидаги олий вазифани оқилона адо этди.

К. СОАТОВ

Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионатида қатнашади

Наманганда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг минтақавий саралаш турнири ниҳоясига етди.

Жаҳон чемпионатида бериладиган икки йўлланма учун ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, Александр Ненашев ва қозоғистонлик Евгений Владимиров ўртасида қизғин кураш бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва қозоғистонлик Евгений Владимиров голиб чиқди.

(ЎЗА)

УЗА

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ўзининг Берлиндаги элчисини чақириб олди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги буни Германиянинг Эфиопияга қарши тарғибот ишлари олиб борганлигига норозилик сифатида изоҳламакда.

Вазирлик баёнотида ёзилишича, Германия ўз оммавий ахборот воситалари орқали Эфиопия мамлакатга катта талофот етказган қурғоқчилик шароитида ўз суверенитетини сақлаб қола олмаслигини эълон қилган.

ТОКИО. Хитой ҳукуматининг фикрича, "Катта саккизлик"нинг кенгайтирилиши БМТнинг нуфузига путур етказди. Хитойнинг жамиятшунослик фанлари академиясига қарашли Осиё ва Тинч океани мамлакатлари институти директори Чжан Юнлин Япониянинг "Дейли иомиури" газетасига берган интервьюсида шундай деди.

Чжан Юнлиннинг таъкидлашича, Хитой Япониянинг Окинавада бўлиб ўтадиган "Катта саккизлик" саммитида кузатувчи сифатида иштирок этиш таклифини рад этганлиги ҳам шундан. Агар Хитой саммитда иштирок этса, келажакда бошқа давлатлар ҳам бундай йиғилишларда қатнаша бошлайди. Натижада БМТдан бошқа ташкилот юзага келади.

ТЕХРОН. Эрон ҳукумати Ислом дини ва ислом инқилоби руҳига зид бўлган мақолалар чоп этгани учун мамлакатдаги 12 та газета ва журналлар фаолиятини тўхтатиб қўйди. Эрон адлия вазирлиги баёнотида ёзилишича, таъқиқланган газета ва журналларда чоп этилаётган материаллар мазмунини мамлакатдаги ҳақсевар мусулмонлар, қолаверса, ислом инқилоби раҳбарининг гурури ва ҳис-туйғуларини ерга урган.

АР-РИЁД. Саудия Арабистони жанубидаги Нахрэн шаҳрида полиция ҳамда шиъа мазҳабига эътиқод қилувчи аҳоли ўртасида тўқнашув юз берди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги маълумотида кўра, тартибсизликлар натижасида хавфсизлик хизмати ходимларининг бири ҳалок бўлган, уч киши яраланган.

Ички ишлар вазирлигининг хабар қилишича, бир неча юз киши иштирок этган норозилик ҳаракати мамлакатда ноқонуний равишда яшаб келган ва афсунгарлик билан шуғулланган хорижлик фуқаронинг полиция томонидан қамоққа олиниши сабаб бўлган.

МОСКВА. Якшанба куни Чеченистоннинг Сержен-Юрт қишлоғи яқинида чечен жангарилари Россия ҳаво десанти қисмлари қаровига ҳужум уюштирди. Натижада 15 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, олти ҳарбий машина йўқ қилинди. Буни журнали-

Бу эса озиқ-овқат тақчиллиги муаммосини келтириб чиқарди.

ЖАЗОИР. Жазоир қишлоқ ҳўжалиги вазири Саид Баракат мамлакатдаги "Трибюн" газетасида ўзи ҳақида эълон қилинган хабарни рад этди. Хабарда Бланда виллояда вазирга нисбатан суиқасд уюштиришга ҳаракат қилингани баён этилган.

С.Баракатнинг таъкидлашича, Магатаа-Лазраг қишлоғида портлаган бомба уни йўқ қилган.



стларга Россия мудофаа вазири Игорь Сергеев маълум қилди.

ҚОБУЛ. "Толибон" ҳаракати жаҳон ҳам-жамиятига мурожаат қилиб, мамлакатнинг жанубий туманларида қурғоқчиликдан азият кўраётган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди. "Толибон" вакилларида бирининг айтишича, уларга шошилинч равишда ёрдам кўрсатиш зарур. Акс ҳолда минглаб, юз минглаб одам нобуд бўлиши мумкин. Ушбу ҳудудларда ичимлик суви ҳам борган сари тақчил бўлиб бормоқда.

Афғонистон жанубида жорий йилда юз берган қурғоқчилик уй ҳайвонларининг бутунлай қирилиб кетишига ва қишлоқ ҳўжалиги экинларининг нобуд бўлишига сабаб бўлди.

қилиш учун қўйилмаган. Бомба ушбу ҳудудда мамлакат армияси ва диний экстремистик гуруҳ ўртасида юз берган тўқнашувдан қолиб кетган ва тасодифан портлаган, деди у.

ФРАНКФУРТ. Германиядаги Инжил черкови кенгаши раиси Манфред Кок Европа Иттифоқига (ЕИ) қўшилмоқчи бўлган давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга қурол-яроғ сотишини бутунлай таъқиқлаш лозимлигини айтди. У "Дойчландфунк" радиосига берган интервьюсида шундай фикрни баён қилиб, Африкада, хусусан, Эфиопияда ҳар куни юзлаб болалар очликдан нобуд бўлаётганини таъкидлади.

Бунга қўшни Эритрея билан олиб борилаётган уруш ҳам сабаб бўлмоқда. Бу уруш

учун қурол-яроғни ЕИга киришга ҳаракат қилаётган давлатлар етказиб бермоқда, деди у.

БЕЛГОРОД. Россиянинг Белгород виллояти ҳудудидан тўқизта замбарак ўқи топилди. Маҳаллий мутахассисларнинг аниқлашича, улар иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган.

Маълумотларга қараганда, сўнгги вақтларда ушбу виллоят ҳудудидан кўплаб шундай портловчи мосламалар топилмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан буён уч юзтадан ортиқ замбарак ўқи, бомба ва гранаталар йўқ қилинган.

СЕУЛ. Шимолий ва Жанубий Корея раҳбарларининг 12-14 июн кунлари Пхеньянда бўладиган учрашувини олдиндан икки мамлакат вакиллари иштирокида навбатдаги музокара бўлиб ўтди. Унда олий даражадаги учрашувга тайёргарлик кўриш ва давлат раҳбарларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Учрашув якунида томонлар бир неча кундан сўнг яна бир амалий музокара ўтказишга келишиб олди.

МЕХИКО. Мексика ички ишлар вазирлиги мамлакатнинг ўн уч штатини табиий офат зонаси, деб эълон қилди. Бунга кучли қурғоқчилик таъсирида ўрмонларда юзага келаётган ёнғин сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, шимолий ҳудудлардаги ўрмонларда беш юздан ортиқ ёнғин ўчоғи вужудга келган. Мутахассислар эса ҳали замон ёнғингарчилиқдан дарак бўлмаслигини маълум қилмоқда.

ТОКИО. Япониянинг Миядзаки шаҳрида Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган мамлакатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди. Унда 16 давлат раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда томонлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди. Учрашув якунида қўшма баёнот қабул қилинди.

БОШҚОҲА

А	Х	А	М	О	Т	Ё	Қ	А	Ш	О	Т
З	А	Ж	С	Л	Е	Р	У	В	З	З	А
И	Я	П	У	А	З	Е	Б	О	А	Т	Л
Л	Ч	Н	Ю	Т	А	Л	А	Ф	Е	Т	Ё
А	И	Д	И	С	А	А	С	И	Р	Ё	Р
Ф	А	Н	Д	А	И	Д	М	Т	Т	О	С
Т	О	Ш	Х	М	Х	А	И	У	Ш	Т	У
Л	О	Б	А	А	М	Е	Л	М	И	Ж	М
Т	Қ	Я	Н	Г	О	М	Е	О	Б	О	Т
А	И	И	К	Т	А	У	В	О	А	К	Ў
О	Ш	А	С	Т	Б	С	Р	З	Л	Р	С
А	Л	О	М	А	А	С	И	М	Д	А	А

1. Қизикчилик учун айtilган ёлгон гап (5). 2. Ҳажвий асарлар муаллифи (7). 3. "Шариф ва Маъриф" филмидаги қаҳрамон исми (6). 4. Ҳажвий даврий нашр (6). 5. Таниқли ўзбек актрисаси, кўпгина ҳажвий фильмлар иштирокчиси (7). 6. "Ешлар" телеканалдаги севимли кўрсатув (6). 7. Велосипед сўзига қўфиядош қишлоқ номи (9). 8. Ҳўжа Насриддин... (6). 9. "Темир хотин"нинг асл исми (6). 10. Қизикарли воқеа (7). 11. Халқимизнинг севимли ҳажвичи-ёзувчиси (9). 12. Сойиб Ҳўжаев иштирокидаги сахна асари (12). 13. Фармонбинининг "айғоқчиси" (5). 14. Радиоэшиттиришдаги қизикарли "устахона" (8). 15. Кулгили қизикарли кичик ҳўжа (6). 16. Машҳур ҳажвий кинофильм. (4). 17. Ҳазил-мutoйбага оид сўз ўйини (5). 18. Ҳажв устаси, қизикчи (8). 19. Қизикарли ўзбек кинофильми (6). 20. Таниқли қизикчининг студияси (5). 21. Қозоқ халқининг "Афан-диси" (9). 22. Саид Аҳмаднинг ҳажвий асари (4). 23. "Олтин девор" спектаклида Фани Аъзамов қайта-қайта такорлайдиган сўз.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳокимиятидан хусусий тадбиркор Нуриддин Шохобиддин Наҳимович номига 1998 йил 25 январда берилган 0104561-сонли гувоҳнома йўқотилганлиги сабабли бекор қилинади.

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 22 апрель сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

ЭНИГА: 9. Тарантино. 10. Синтобкўл. 13. Акашак. 15. Аяччо. 16. Абакан. 20. Ором. 21. Аноа. 22. Айман. 24. Саховат. 28. Мурид. 29. Жилд. 30. Ичак. 31. Носур. 32. Рикша. 33. Жерси. 34. Иравади. 35. Сажада. 36. Турк. 38. Хоним. 41. Сарина. 43. Сатин. 45. Аврора. 47. Сумалак. 48. Нақорат. 49. Ўтоқ. 50. Орша. 52. Алпомиш. 54. Армуғон. 56. Кашмир. 57. Зарра. 58. Ананас. 59. Аббос. 62. Салот. 64. "Жаҳон". 66. Алгебра. 67. Чочки. 69. Канал. 70. Ровон. 72. Дара. 73. Арра. 74. Хотин. 75. Бедарак. 79. Аллоф. 80. Адно. 83. Ироқ. 84. Набира. 87. Ихота. 88. Манний. 91. Парламент. 92. Астронавт.

БЎЙИГА: 1. Рашк. 2. Вахш. 7. Итака. 4. Анкара. 5. Қилода. 6. Етмак. 7. "Абба". 8. Ғўза. 11. Очко. 12. Архипелаг. 13. Амадис. 14. Аммон. 17. Қўрпа. 18. На-дима. 19. Командарм. 23. Ни-сор. 24. Сарик. 25. Хазанак. 26. Витамин. 27. Тарих. 28. Макон. 36. Тасқара. 37. Иваново. 39. Олабуға. 40. Матонат. 42. Ин-тим. 43. Сағиз. 44. Наъра. 46. Ришта. 51. Саламандр. 53. Ша-бгард. 54. Араблар. 55. Жарқў-ғон. 60. Бенин. 61. Салиб. 62. Сарак. 63. Лавша. 65. Онахон. 68. Осафий. 69. Китоё. 71. Но-лон. 76. Ехидна. 77. Ароқ. 78. Агасси. 81. "Чашма". 82. Ами-ри. 85. Асар. 86. Имло. 89. Нант. 90. Ишва.

МАШҲУРЛАР РЕСТОРАНИ

Ғарб мамлакатларидаги кўплаб машҳур кишилар ўзларининг асосий вазифалари — қўшиқ айтиш, кинода ўйнашдан ташқари пул топиш учун бизнес билан ҳам шуғулланмоқдалар. Масалан, миллионлаб қўшиқ шайдо-ларининг севимли хонандаси Рики Мартин ҳамкорлари билан Майамида "Каса салса" деб номланган рес-торан очди. Қисқа вақтда мўмай да-ромат эгаси бўлган, Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Париж ва Мадридда ҳам унинг шаҳобчаларини ташкил этиш режасини тузди. Бу ресторанларда-ги энг тансиқ нарсас — Рики қўшиқ-лари номи билан аталадиган алко-голли коктейллар ҳисобланади.

"Тоғлик" фильми билан машҳур бўлган Кристофер Ламберт эса Ален Делон ва Клаудия Шиффер билан ҳам-корликда тропик оролларида бири-да мухташам меҳмонхона қурмоқда. Хатто Йорк маликаси Сора Фергюс-сон ўз номи билан аталадиган кўғир-чоқлар ишлаб чиқармоқда. У ўзининг суратини мультфильмлар, болалар китоблари ва яхна ичимликлар қоғозига ҳам туширишга рухсат бер-ди. Шу йўл билан герцогина бир мил-лион фунт стерлинг ишлаб олмақчи. Унинг собиқ эри шахзода Эндрю эса ҳаво флотидидаги хизматдан бўша-гач, бизнесменлар учун гольф-клуб та-ш-кил этмоқчи.

ДОЦЕНТ ҚАМОҚХОНАДА

Тула виллоят суди Бутунроссия сиртқи молия институти маҳаллий бўлими доценти Леонид Ермаун талабадан пора талаб қилгани учун беш йилга озолиқдан маҳрум этди.

Доцент талабаларни имтиҳонда қийнамаслик учун 4 минг 400 рублдан олиб туришни одат қилган эди.

ҚОНСИЗ ҚОН ҲАҚИДА ТАШҲИС

Агарда шифокорлар томирингиз-дан қон олмақчи бўлса, этингиз жун-жиқади, оғриқдан пешонангизни тер қоплайди.

Америкалик олимлар қоннинг ҳола-тини аниқлашнинг оғриқсиз усулини кашф этишди. Унга кўра ультратовуш ёрдамида тери орқали митти ҳўжай-ра олинса бас. Шунинг ўзи қондаги қанд, мой моддаларини, хатто алко-гол микдорини ҳам аниқлашга етар-ли асос беради.

Кашфиёт муаллифи Роберт Лон-гернинг айтишича, янги усулга кўра ташҳис учун қон олишга зарурият йўқ. Тўқимадан сувсимон модда ажратиб

олинса кифоя. Чунки қон тўқимага шу суяқлик орқали ўтиш жараёнида ўз молекулаларини қолдириб кетади. Хар бир молекула эса катта ҳажмда-ги қонда жамланган ахборотни бера олади.

Массасусет технологияси институ-ти олимлари теридаги мазкур суяқ-лика йўл ахтаришган эди. Ультрато-вуш ёрдамида мақсадга эриши. Ўш-Янгилик шарофати билан икки ми-нутда қон ташҳисини аниқлаш мум-кин бўлди. Пиво ёки "кока-кола" бан-каси ҳажмига тенг бўлган бу асбоб яқинда Америкада савдога чиқарила-ди.

"Қамолот" жамғармиси Тошкент виллоят бўлими жамоаси Янгийўл ту-ман бўлими раиси Мирзаев Алишерга умр йўлдоши **Мирзаева Шахлонинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдира-ди.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«ҚАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА
Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА

Тахририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69

Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—ўй
Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан
фарқлангани мумкин.